## Мебел жихозларини етказиб бериш ва ўрнатиб бериш тўғрисида
## ШАРТНОМА

2022 й. «22» 6 2022-107-11-165-ХТ-сон Ёзёвон туман

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида фаолият юритувчи **"Vodiy new mebel house" хусусий корхонаси** номидан рахбар **Ш.Валиев** (кейинги ўринларда **«Ишлаб-чикарувчи»** деб аталади) биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Ёзёвон туман Халқ таълим бўлими** рахбари Ф.Юлдашев (келгусида **«Харидор»** деб аталади) ўрталарида қуйидаги мақсадларда тузилди.

### 1.Шартнома предмети

**«Ишлаб-чикарувчи» «Харидор»га куйидаги мебель жихозларини ишлаб-чикариб етказиб беради:**

1,1 Мазкур шартноманинг умумий киймати ***457 940 000 (тўрт юз эллик етти миллион тўққиз юз қирқ минг) сўм***

1.2 Мебел жихозлари қуйидаги ассортиментда етказиб берилади:

| Т/Р | Н О М И | Ўлчов бирлиги | Миқдори | нархи | Сумма | ҚҚС | | Умумий сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | 15% | сумма | |
| 1 | Парта | комплект | 480 | 838 000 | 402 240 000 | - | - | 402 240 000 |
| 2 | Доска меловая | Шт | 40 | 1 180 000 | 47 200 000 | - | - | 47 200 000 |
| 3 | Стул на металлическом каркасе | Шт | 50 | 170 000 | 8 500 000 | - | - | 8 500 000 |
| | Жами | | | | | | | 457 940 000 |

### 2. Хисоб-китоб шартлари:

2.1 «Харидор» «Ишлаб-чикарувчи» нинг хисоб ракамига олдиндан 30% миқдорида маблағ ўтказиб беради ва махсулот тўлиқ етказиб берилгандан сўнг 70 % қисмини ишлаб чикарувчи хисоб рақамига 10 календар иш кунида ўтказиб беради.

2.2 Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида курсатилган хизматларнинг белгиланган нархлари юкори деб топилса, ушбу фарк «Ишлаб-чикарувчи» зиммасидан копланади. Ишлаб чикарувчилар учун маҳсулотнинг калькуляцияси ва баҳолар прейскуранти асосида нарҳ белгиланади.

2.3 Ишлаб чикарувчи харидор томонидан аванс маблаглари тулаб берилгандан сунг 10 кун муддатда махсулот етказиб беришни амалга оширида.

### 3. Махсулот етказиб бериш:

3.1 "Ишлаб-чикарувчи" шартномада белгиланган махсулотларни шартноманинг 1,2 бандидаги ассортиментта асосан етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

## 4. Томонлар ҳуқуқи ва мажбурияти:

4.1. «Ишлаб-чикарувчи» «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, ҳамда юмалоқ муҳр босилган ишонч коғози кўрсатгандан сўнг маҳсулот беради.

4.2 «Харидор» кўрсатилган хизматларини шартнома талабларига номувофиклигини аниқлаган ҳолда, «Ишлаб-чиқарувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган хизматлар учун «Ишлаб-чиқарувчи»га хақ тўламайди.

4.3. «Ишлаб-чикарувчи» «Харидор»га унинг ишонч когозида кайд килинган хизматларни курсатади. Агар «Ишлаб-чикарувчи» томонидан «Харидор»нинг ишонч қогозида кўрсатилмаган хизматларни, ёки хизматларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортик курсатган холларда, бу хизматлар учун «Харидор» томонидан хақ тўланмайди.

4.4.»Ишлаб-чиқарувчи» етказиб берган мебел жихозларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ расмийлаштириши шарт. Тўлиқ расмийлаштирилмаган ҳамда хизматлар сифати, категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

4.5. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

4.6. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса 10 фоиз микдорида жарима тўлайди.

4.7. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортименти лозим даражада бўлмаган товарлар топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 20 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.8. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.9. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктирилиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

4.10. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.11. Назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш давомида етказиб берилган товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

## 5. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.

5.1 Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

5.2. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 6. Низоларни хал килиш.

6.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

6.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг

шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунга ва Иқтисодий ва Фуқаролик кодексига асосан туманлараро иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади.

6.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаган тақдирда туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

**7. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар**

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлик коррупсиявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупсияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупсиянинг олдини олиш чораларни тан олади ва уларга риоя етилиши бўйича хамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик мунособалар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши евазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишга йўл қўйилмаганлигини, таклиф етилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги харакатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирмаганлигини) кафолатлайди.Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги харакатларни содир етмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарфнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

**8. Форс-мажор**

8.1 Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боглик булмаган, вактинча ёки узок вакт шартномани зарур даражада амалга оширишга халакит берадиган вазиятлар содирбулганда, яъни табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органлари карорлари, харбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошка холларда, юкорида айтиб утилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари Ушбу холатлар давом этиш вактига сурилади.

8.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган томон, дархол иккинчи томонни юкоридаги холатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этганлиги тугрисида хабардор килиши керак.

8.3 Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булгани ёки улар бартараф этилгани хакида ўз вақтида 1,5 кундан кўп бўлмаган муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган такдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

**9. Шартнома муддати**

9.1. Шартнома Юридик хизмат кўрсатиш маркази томонидан ижобий хулоса олиниб, Ёзёвон туман ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, тарафлар томонидан имзолангач қонуний кучга киради.

9.2. Ушбу шартнома 2022 йилнинг «___» июндан 2022 йилнинг «31» декабргача амал қилади.

9.3. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва тарафлар томонидан имзоланиши керак.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилинишига, тўхтатилишига асос амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

9.5. Шартнома икки иусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

**10. Томонлар манзили ва банк реквизитлари.**

| **«Ишлаб-чиқарувчи»** | **«Харидор»** |
|---|---|
| "Vodiy New Mebel House" XK | "Ёзёвон туман Халқ таълим" бўлими |
| Манзил: Боғдод тумани Багдод 2 қишлоғи | Манзил: Ёзёвон туман мустақиллик кўча 53-уй |
| Банк: INVEST FINANCE BANK Qo'qon filliali МФО: 01116; ОКОНК: 15 271; | ШХР:100022860302427092100075075039 |
| Х/Р: 20208000105435004001 | СТИР: 200169764; ОКОНХ:84112 |
| ИНН: 308835806 | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги Х/Р: 23402000300100001010 |
| Тел: 90 059 01 34 | МФО 00014 |
| | ХККМ Марказий банк Тошкент шахри |
| | ИНН: 201122919 |
| | ТЕЛ: 73-412-16-81 |
| **Рахбар________ Ш.Валиев** | **Рахбар________ Ф.Юлдашев** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN TALABLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA №UL86751614

**1. Loyihaning turi:** Mebel jixozlarini yetkazib berish va o'rnatib berish to'g'risida shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Mebel jixozlarini yetkazib berish va o'rnatib berish to'g'risida to'g'risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot:**
Yozyovon tuman Xalq ta'lim bo'limi tomonidan ishlab chiqilgan va 2022 yil 22 iyun kuni "E-huquqshunos" elektron tizim orqali huquqiy ekspertizaga taqdim qilingan.

**4. Loyiha bo'yicha taklif:**
Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra

**XULOSA:**

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yozyovon tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **A.A.Gulamov**

22.06.2022

# Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 100466 на приобретение ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ

Способ проведения электронный

Дата 14.06.2022

Время рассмотрения 14.06.2022 18:34

Конкурсная комиссия Халк таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TURDIYEV RUSTAM RAUSHANOVICH | ВВБ мудир | 1 |
| **Секретарь комиссии** | ERGASHEV UMIDJON XUDOBERDIYEVICH | бош хисобчи ёрдамчиси | 5 |
| **Член комиссии** | DARMONOV KARIMBERDI SHADMONOVICH | бош иктисодчи | 3 |
| **Член комиссии** | TURDIYEV UMIDJON TURDALIYEVICH | Инжинер | 1 |
| **Член комиссии** | MO'MINJONOV FURQATJON RAXIMJONOVICH | Бош бугалтер | 4 |
| **Член комиссии** | ISMOILOV NODIRBEK ERKINJON O'G'LI | Mutaxasis | Роль члена комиссии |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.06.2022 года № лота 100466.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Парта** |
|---|---|
| Подробное описание | Парта 2 дона стули билан Парта ЛДСП ва метал профилдан тайёрланади |
| Количество товара | 480.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 840 000.00 |
| Стартовая сумма | 403 200 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Доска меловая** |
|---|---|
| Подробное описание | Доска 3 талик |
| Количество товара | 40.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 1 200 000.00 |
| Стартовая сумма | 48 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

| Наименование товара (работы, услуги) | Стул на металлическом каркасе |
|---|---|
| Подробное описание | Стул мягкий |
| Количество товара | 50.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 175 000.00 |
| Стартовая сумма | 8 750 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Иштирокчи корхонанинг банк реквизитлари ва ишчиларининг техника хавсизлик китобидан нусха

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг кафолат хати, рахбар паспорт нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 5.1 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштирокчи корхонанинг низоми гувохномаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг низоми гувохномаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 8 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштирокчи корхонанинг гигиеник ва Мувофиклик сертификати

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг гигиеник ва Мувофиклик сертификати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 8 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Критерий №4 Иштирокчи корхонанинг мебел ишлаб чикарган махсулотларидан фото лавха

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг мебел ишлаб чикарган махсулотларидан фото лавха

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 6 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштирокчи корхонанинг соликдан карзи мавжуд эмаслиги тугрисида ва Банкротлик таомилида емаслиги хакида малумотномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг соликдан карзи мавжуд эмаслиги тугрисида ва Банкротлик таомилида емаслиги хакида малумотномалар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 5.1 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Критерий №6 Иштирокчи корхонанинг кафолат хати, рахбар паспорт нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчи корхонанинг кафолат хати, рахбар паспорт нусхаси

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 10 | 397250000 | 6 | Экспертная | | |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 10 | зарур | 9 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi | 459 950 000.00 | 397 250 000.00 | 13.06.2022 09:47:47 | 20.00 |
| VODIY NEW MEBEL HOUSE XK | 459 950 000.00 | 457 940 000.00 | 13.06.2022 19:06:44 | 17.35 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi** | 50.9336 | 20 | 70.9336 |
| **VODIY NEW MEBEL HOUSE XK** | 72 | 17.34943 | 89.34943 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 100466 от 14.06.2022 года на приобретение ЕНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ определила победителем:

VODIY NEW MEBEL HOUSE XK
308835806

и резервный исполнитель: "BOSTON MEBEL" xususiy korxonasi (303199841)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TURDIYEV RUSTAM RAUSHANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ISMOILOV NODIRBEK ERKINJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | MO‘MINJONOV FURQATJON RAXIMJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | DARMONOV KARIMBERDI SHADMONOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП